

## ОПВ-АССОЦИАЦИЯЛАНГАН БАЧАДОН БЎЙНИ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА ЦИТОЛОГИК ВА КОЛЬПОСКОПИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Наврузова Н.О.<sup>1</sup>

Бердиев А.Ш.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

<sup>2</sup>Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий  
тиббиёт марказининг Бухоро филиали  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.22269531>

**Долзарблиги.** Бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари аёллар репродуктив тизими патологиялари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Одам папиллома вирусининг юқори онкоген хавфли турлари билан персистирловчи инфекция бачадон бўйни эпителийсида диспластик ўзгаришларнинг ривожланиши ва прогрессиясида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли цитологик ва кольпоскопик текширувлар асосида рак олди ўзгаришларини эрта аниқлаш муҳим клиник аҳамиятга эга.

**Тадқиқот мақсади.** Бачадон бўйни LSIL ва HSIL ҳолатларида ОПВ инфекциясига боғлиқ цитологик ва кольпоскопик ўзгаришларни қиёсий баҳолаш.

**Материал ва усуллар.** Тадқиқотнинг проспектив босқичи 2026 йил январь ойидан июнь ойигача ўтказилди. Жами 131 нафар аёл текширилди. Биринчи гуруҳни ОПВ-манфий LSIL аниқланган 37 нафар аёл, иккинчи гуруҳни ОПВ-мусбат LSIL аниқланган 41 нафар аёл, учинчи гуруҳни ОПВ-мусбат HSIL аниқланган 53 нафар аёл ташкил этди. Назорат гуруҳига 26 нафар нисбатан соғлом аёл киритилди. Текширувларда умумклиник, цитологик (РАР-тест), кенгайтирилган кольпоскопия, полимераза занжир реакцияси ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари.** Цитологик текширув натижасида 131 нафар аёлнинг 78 нафарида (59,5%) CIN I, 32 нафарида (24,4%) CIN II ва 21 нафарида (16,0%) CIN III аниқланди. Кенгайтирилган кольпоскопия натижалари бачадон бўйни эпителийсидаги патологик белгиларнинг дисплазия даражаси ошиши билан кучайиб боришини кўрсатди.

Юпқа ацетобел эпителий ОПВ-манфий LSIL гуруҳида 18 нафар (48,6%), ОПВ-мусбат LSIL гуруҳида 25 нафар (60,9%) ва HSIL гуруҳида 38 нафар (71,6%) беморда аниқланди. Қалин ацетобел эпителий мос равишда 43,2%, 43,9% ва 47,1% ҳолатда қайд этилди. Нозик мозаика белгилари биринчи гуруҳда 27,0%, иккинчи гуруҳда 34,1% ва HSIL гуруҳида 35,8% ҳолатда кузатилди.

Йод-негатив соҳалар ОПВ-манфий LSIL гуруҳида 54,1%, ОПВ-мусбат LSIL гуруҳида 53,6% ва HSIL гуруҳида 60,4% ҳолатда аниқланди. Аномал эпителий чегараларининг аниқ кўриниши эса мос равишда 56,7%, 60,9% ва 77,4% ни ташкил этди. Қўпол мозаика, пунктация, атипик томирлар ва бошқа патологик кольпоскопик белгилар HSIL гуруҳида кўпроқ учради.

Қин микробиоценози таҳлили ҳам касаллик оғирлиги ошиши билан дисбиотик ўзгаришлар кучайишини кўрсатди. Оғир дисбиоз ОПВ-манфий LSIL гуруҳида 21,6%, ОПВ-мусбат LSIL гуруҳида 24,4% ва HSIL гуруҳида 54,7% ҳолатда қайд этилган бўлса, назорат гуруҳида ушбу ҳолат аниқланмади.

**Хулоса.** ОПВ билан ассоциацияланган бачадон бўйни интраэпителиал шикастланишларида дисплазия даражаси ошган сари патологик кольпоскопик белгиларнинг учраш частотаси ҳам ортиб боради. Айниқса, ацетобел эпителий, мозаика, пунктация, йод-негатив соҳалар ва аномал эпителий чегараларининг аниқланиши HSIL ҳолатларида яққолроқ намоён бўлади. ОПВ-мусбат беморларда қин микробиоценозидаги дисбиотик ўзгаришларнинг кучайиши вирусли ва бактериал омилларнинг бачадон бўйни диспластик жараёнлари прогрессиясида ўзаро боғлиқ иштирок этишини кўрсатади. PAP-тест, ОПВ диагностикаси ва кенгайтирилган кольпоскопияни комплекс қўллаш бачадон бўйни рак олди ҳолатларини эрта аниқлаш имкониятини оширади.

**Калит сўзлар:** одам папиллома вируси, LSIL, HSIL, бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси, PAP-тест, кольпоскопия, қин микробиоценози.

### Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Navruzova N.O., Karshiyeva E.E., Ikhtiyarova G.A., Hikmatova N.I., Olimova N.I., Muminova N.K. Clinical and laboratory markers forecasting of cervical diseases and its prevention // *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*. – 2021. – Vol. 25, №4. – P. 13098–13110.
2. Rogovskaya S.I., Shabalova I.P., Mikheeva I.V. et al. Human papillomavirus prevalence and type-distribution, cervical cancer screening practices and current status of vaccination implementation in Russian Federation, the Western countries of the former Soviet Union, Caucasus region and Central Asia // *Vaccine*. – 2013. – Vol. 31, №7. – P. H46–H58.
3. Stabayeva L., Mergazina M., Kamyshanskiy Y. et al. Myxoid Stromal Histophenotype Is Associated with High-Grade and Persistent Cervical Intraepithelial Neoplasia // *Pathophysiology*. – 2025. – Vol. 32, №4. – P. 55.